“Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан билдирилган расмий муносабатда санаб ўтилган лойиҳалардаги қайта аниқланган ҳолат юзасидан

МАЪЛУМОТ

Т/р	“Ўзсувтаъминот” АЖ раддиясида лойиҳалар бўйича берилган маълумот	“Юксалиш” ҳаракати томонидан ўрганиш ўтказилган маҳаллалардан қайта олинган тезкор маълумот
1.	"Тақиркўл" МФЙга ичимлик суви тармоқларини тортиш лойиҳаси бўйича объектда қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунига етказилган. **Раддияда** хатда фойдаланишга топширилганлиги кўрсатилган.	Нукус тумани "Тақиркўл" МФЙга ичимлик сув тармоқларини тортиш лойиҳа қиймати 1144,0 млн.сум маблағлари ҳисобидан пудратчи ташкилот "NOKIS TEXNIKA QURILIS" МЧЖ томонидан 5,6 км ичимлик суви тармоқлари тортилган ва 44 дона сув ҳисобдагичлари ўрнатилган, 168 аҳоли ичимлик суви билан таъминланган. Қурилиш ишлари якунланган, бироқ сув бериш муддати кечиктирилган. 2024 йил ноябр ойида ўтказилган мониторинг ишларида, уша даврдаги "Қорақалпоқ сув таъминати" Нукус тумани бўлими бош муҳандиси қатнашган. Ўрганиш ўтказилган Нукус тумани "Тақиркўл" МФЙ, "Қуўлы көл" овулига 2025 йил 15 июн кунига қадар ичимлик суви берилмаганлиги маълум бўлди. "Қуўлы көл" овули истиқомат қилувчи хонадонлар сони 155 та. "Тақиркўл" МФЙ ҳудудида сув тармоқларини тортиш ишлари якунланмоқда.
2.	Жалақудуқ тумани “маданият” МФЙда маҳалладаги Обиҳаёт кўчасида ичимлик суви тизимини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаси. **Раддияда** объект фойдаланишга топширилганлиги маълум қилинган.	Қайта ўрганишларда муаммолар бартараф этилиб, аҳолига сув етказиб берилаётганлиги маълум бўлди.
3.	Асака тумани “Эргашобод” МФЙда ичимлик суви тизимини қуриш лойиҳаси. **Раддияда** қурилиш ишлари якунига етказилиб, фойдаланишга қабул қилиш учун Давлат қабул ҳайъати	Қайта ўрганишларда “Экспресс бунёдкор сервис” МЧЖ томонидан дастур доирасида 1 дона 200 м3 ҳажмдаги сув сақлаш резервуарини қуриш ҳамда 7,5 км тармоқ тортиш белгиланганлиги, Пудратчи белгиланган тартибда ишларни

	далолатномалари расмийлаштирилганлиги ва маҳалла раиси имзо қўйганлиги кўрсатилган. Бугунги кунда объектда сув таъминотида муаммолар йўқлиги кўрсатилган.	тўлиқ бажарганлиги маълум бўлди. Бироқ 500м^3 резервуарда ишлар буюртмачи томонидан назорат қилинмаганлиги сабабли сифатсиз бажарилганлиги, тўлиқ 500 м^3 сув жамлаш имкони йўқлиги аниқланди. Натижада аҳолига етарли миқдорда ва босим меъёрида сув беришда узилишлар борлиги маълум бўлди. Ҳозирда **ҳафтада 2 кун сув берилмоқда.**
4.	Асака тумани “Олақанот” МФЙда ичимлик суви тизимини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаси. **Раддияда** қурилиш ишлари якунига етказилиб, фойдаланишга қабул қилиш учун Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилганлиги ва маҳалла раиси имзо қўйганлиги кўрсатилган. Бугунги кунда объектда сув таъминотида муаммолар йўқлиги кўрсатилган.	Қайта ўрганишларда муаммо ва камчиликлар бартараф этилганлиги ва аҳоли сув билан таъминланганлиги маълум бўлди.
5.	Шахрихон тумани “Бобочек” МФЙда 1 дона сув иншоотини қуриш ва тармоқ тортиш лойиҳаси. **Раддияда** қурилиш ишлари якунланиб, объект фойдаланишга топширилганлиги ҳамда 2 160 нафар аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги маълум қилинган. Раддияда мазкур лойиҳани амалга оширувчи пудрат ташкилоти вакилларига нисбатан йўл қўйган камчиликлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги кўрсатилган.	Қайта ўрганишларда муаммо ва камчиликлар бартараф этилганлиги ва аҳоли сув билан таъминланганлиги маълум бўлди.
6.	Қоракўл тумани "Пойкент", "Сайёт", "Қулончи", "Шуробод" ва "Қаракўл" МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш 1-лот лойиҳаси. **Раддияда** мазкур лот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ-454-сонли қарорига мувофиқ йилдан-йилга ўтувчи объект сифатида 2025 йилда фойдаланишга топширилиши, бугунги кунда қурилиш қишлари олиб борилаётганлиги маълум қилинган.	Бугунги кунда юқоридаги 5 та МФЙ ҳудудига сув тармоқлари тортилган бўлиб, ушбу ҳудудлардаги 3 та Пойкент, Қулончи ва Қоракўл МФЙларида амалга оширилган сув иншооти қурилиши лойиҳалари ўрганилди. Ўрганилган 3 та сув иншоотининг 2 таси (Пойкент ва Қулончи МФЙ)да қурилиш ишлари якунланган, 1 та Қоракўл МФЙ ҳудудидаги сув иншооти қурилиш ишлари охирига етказилмаган. Ушбу объектлар ҳолати 2025 йилнинг 15 июнь ҳолатида

7.	Қоракўл тумани "Пойкент", "Сайёт", "Қулончи", "Шуробод" ва "Қаракўл" МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш лойиҳаси. **Раддияда** мазкур лот доирасидаги лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йилдаги 740-сон қарорига мувофиқ қайта экспертизадан ўтказилаётганлиги ва жорий йил якунига қадар ишлар якунланиб фойдаланишга топширилганлиги маълум қилинган.	ўрганилганда, қурилиш ишлари якунланган объектлар ишга туширилмаганлиги ва ушбу объектлар қаровсиз ҳолда сақланаётганлиги, сув иншооти ҳудудида қишлоқ аҳолиси бемалол кириб чиқиб юрганлиги ва трансформаторнинг электр токидан ноқонуний ва хавфсизлик қоидаларига амал қилинмаган ҳолатда фойдаланиб келаётганлиги аниқланди. Ҳар уччала ҳудудда аҳоли билан суҳбатлашилганда, сув иншоотлари қурилган бўлсада, ҳалигача сув йўқлиги ва сувни маблағ эвазига узоқ ҳудуддан ташиб келтираётганлиги, бу ҳолат эса аҳоли кайфиятига салбий таъсир этаётганлиги аниқланди. Ўрганишлар жараёнида Қоракўл туманининг “Пойкент” МФЙ ҳудудида барпо этилган сув иншоотининг пайвандлаш ишлари сифатсиз бажарилганлиги яққол кўзга ташланади. Ушбу сув иншоотининг устунлари бир бировига тўғри пайвандланмаган ва бу ҳолат сув иншоотини сув билан тўлдирганда ёки зилзила ҳолатлари юз берганда осонгина ерга қулаши каби муаммоларни юзага келтириши мумкин.
8.	Қоракўл тумани "Пойкент", "Сайёт", "Қулончи", "Шуробод" ва "Қаракўл" МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш 3-лот лойиҳаси. **Раддияда** лойиҳа тўлиқ якунланганлиги ва 1-лот бўйича ишлар якунланганидан сўнг ушбу лойиҳалар доирасида аҳоли ичимлик суви билан таъминланиши маълум қилинган.	
9.	Жиззах шаҳридаги “Улуғбек” ва “Қалия” МФЙларида ичимлик сувини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги, бугунги кунда аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги келтирилган.	Қайта ўрганишлар давомида жамоатчилик мониторингида аниқланган муаммолар бартараф этилмаганлиги маълум бўлди. Мутасадди ташкилот томонидан 16 июнь куни қурилиш ташкилотини жалб этган ҳолда ушбу камчиликлар бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан ишлар бошланганлиги аниқланди.
10.	Ш.Рашидов тумани “Тинчлик”, “Учтепа” ва “Хайробод” МФЙларида ичимлик суви лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги ва бугунги кунда аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги келтирилган.	Бугунги кунда объектдаги ҳолат қайта кўриб чиқилганда сув минораси ўрнатилганлиги, бироқ сув минорасидаги сув яроқсиз эканлиги сабабли аксарият аҳоли томонидан истеъмол учун фойдаланилмасдан келинаётганлиги маълум бўлди.
11.	Зарбдор тумани “Янгикент” МФЙда ичимлик суви тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаси.	Қайта ўрганишлар натижасида ушбу ҳудудда аниқланган муаммолар бартараф этилмаганлиги бироқ, аҳолига сув ҳафта мобайнида 2-3 марта берилиши маълум бўлди. Аҳоли

	Раддияда Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинган. Бугунги кунда аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги келтирилган.	томонидан 100 литр сувни 4000 сўмдан сотиб олишаётганлиги аниқланди. Объектда 4 та сув чиқариш насосидан фақатгина биттаси ишлаб турганлиги, қолган 3 та ичимлик суви насоси таъмирлаш зарурлиги қайд этилди. Ичимлик суви иншоотини тўлдириш учун 7 кун вақт кетиши, уни тезроқ тўлдириш учун ичимлик сувига яроқсиз сувдан қўшилиши ҳолатлари ҳам аниқланди.
12.	Деҳқонобод тумани Оқсув-Деҳқонобод сув қувури ва "Оқсув" сув олиш иншоотини қуриш лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги ва бугунги кунда аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги келтирилган.	Объектда қурилиш ишлари 2024 йилда якунланиб, фойдаланишга топширилган. **Қайта ўрганишларда объект фойдаланишга топширилган бўлсада, шу кунга қадар аҳолига ичимлик суви умуман етказиб берилмаган.** Мониторинг ишлари жараёнида аҳоли билан мулоқот қилинганда, фуқаролар объект фойдаланишга топширилганига қарамасдан **ичимлик суви етказиб берилмаётганидан ва етказиб берилмаслик сабаблари тушунтирилмаётганлигидан норози.** Мисол учун: Бойқўрғон МФЙ, Бойқўрғон қишлоғида яшовчи фуқаро **Ю.А**, Чайгул қишлоғида яшовчи фуқаро **А.Ғ**, Чоштепа қишлоғида яшовчи **И.Б**ларнинг маълум қилишича, **Оқсув-Деҳқонобод лойиҳаси доирасида аҳолига ҳозирги вақтгача ичимлик сувидан етказиб берилмаган.**
13.	Ғузор тумани “Буюк карвон” МФЙ да ичимлик суви ичимлик суви тизимларини қуриш лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги ва бугунги кунда аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги келтирилган.	Фойдаланишга топшириш қабул хайъати далолатномаси расмийлаштирилган, қурилиш ишлари 2024 йилда якунланган. **Қайта ўрганишларда объект фойдаланишга топширилган бўлсада, шу кунга қадар аҳолига ичимлик суви умуман етказиб берилмаган. Аҳоли хонадонларига ўрнатилган сув ҳисоблагичларининг кўрсаткичи 0 (нол) ҳолатда турганлиги аниқланди.** Мониторинг ишлари жараёнида жойига чиқиб аҳоли билан мулоқот қилинганда, маҳалла раиси ва фуқаролар объект

		фойдаланишга топширилганига қарамасдан **ичимлик суви етказиб берилмаётганидан норози.** **Мисол учун:** Буюк Карвон кўчаси 106-уйда яшовчи фуқаро **А.Н,** Буюк Карвон кўчаси 105-уйда яшовчи фуқаро **М.Я.**ларнинг маълум қилишича, **ичимлик сувини етказиб бериш тўғрисида сувтаъминоти корхоналарига бир неча маротаба мурожаат қилинган бўлсада, ичимлик суви етказиб берилмаган ва сабаблари ҳақида аҳолига тушунтирилмаган.**
14.	Ғузор тумани "Дўстлик" маҳалласида ичимлик сув тизимларини қуриш лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги ва бугунги кунда аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги келтирилган.	Фойдаланишга топшириш қабул хайъати далолатномаси рамийлаштирилган, қурилиш ишлари 2024 йил апрель-май ойларида якунланган. **Қайта ўрганишларда** объект фойдаланишга топширилган бўлсада, **орадан 1 йил муддат ўтган бўлишига қарамасдан аҳолига ичимлик суви умуман етказиб берилмаган.** Аҳоли хонадонларига ўрнатилган **сув ҳисоблагичларининг кўрсаткичи 0 (нол) ҳолатда турганлиги** аниқланди. Мониторинг ишлари жараёнида жойига чиқиб аҳоли билан мулоқот қилинганда, **фуқаролар объект фойдаланишга топширилганига қарамасдан ичимлик суви етказиб берилмаётганидан норози.** **Мисол учун:** Дўстлик кўчаси 60-уйда яшовчи фуқаро **Б.М,** Дўстлик кўчаси 61-уйда яшовчи фуқаро **А.М**ларнинг маълум қилишича, **ичимлик сувини етказиб бериш тўғрисида сувтаъминоти корхонасига бир неча маротаба мурожаат қилинган бўлсада, ичимлик суви етказиб берилмаган ва сабаблари ҳақида аҳолига тушунтирилмаган. Шунингдек, фуқаролар ичимлик сувини бир машинасини (5 тонна) ўртача 250 минг сўмдан сотиб олиб фойдаланаётганликларини билдиришди.**

15.	Ғузор тумани "Бўстон" маҳалласида ичимлик сув тизимларини қуриш лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги ва бугунги кунда аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги келтирилган.	Фойдаланишга топшириш қабул хайъати далолатномаси рамийлаштирилган, қурилиш ишлари 2024 йил апрель-май ойларида якунланган. Объект фойдаланишга топширилган бўлсада, **орадан 1 йил муддат ўтган бўлишига қарамасдан аҳолига ичимлик суви умуман етказиб берилмаган.** Аҳоли хонадонларига ўрнатилган **сув ҳисоблагичларининг кўрсаткичи 0 (нол) ҳолатда турганлиги** аниқланди. Мониторинг ишлари жараёнида жойига чиқиб аҳоли билан мулоқот қилинганда, маҳалла раиси ва фуқаролар объект фойдаланишга топширилганига қарамасдан **ичимлик суви етказиб берилмаётганидан,** шунингдек, **қурилиш ишлари сифатсиз бажарилганлиги ва айрим сув тақсимлаш нуқталарининг (колодец) усти қопқоқлари ёпилмаганлигидан норози.** **Мисол учун:** Янги ҳаёт кўчаси 1-уйда яшовчи фуқаро **Ш.Х,** Янги ҳаёт кўчаси 266-уйда яшовчи фуқаро **С.И**, Янги ҳаёт кўчаси 265-уйда яшовчи **Э.Ф**ларнинг маълум қилишича, **ичимлик сувини етказиб бериш тўғрисида сувтаъминоти корхонасига бир неча маротаба мурожаат қилинган бўлсада, ичимлик суви етказиб берилмаган ва сабаблари ҳақида аҳолига тушунтирилмаган. Шунингдек, фуқаролар ичимлик суви тармоқларини қуриш жараёнида ички кўчалар қазиб, бузиб ташланганлиги ва ўз ҳолига қайтарилмасдан ташлаб кетилганлигидан норози бўлишди.**
16.	Кўкдала тумани “Бешчашма” ҳудудида сув олиш иншооти, “Айритом” ва “Шўрқудуқ” МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш” лойиҳаси. **Раддияда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ-454-сон қарорига асосан 2025 йил Инвестиция дастурига йилдан-йилга ўтувчи объект	Дастлабки мониторингда қурилиш ишлари давом этаётганлиги қайд этилган.

	сифатида киритилганлиги ва йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши маълум қилинган.	
17.	“Қарши шаҳри “Чаман” ва “Худойзот” маҳаллаларида ичимлик сув тармоқлари қурилиш” лойиҳаси. **Раддияда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон қарорига асосан 2021-2022 йилларда қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ бажарилиб, Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга топширилганлиги ва лойиҳада назарда тутилган аҳоли пунктлари ичимлик суви билан таъминланганлиги кўрсатилган.	Лойиҳада назарда тутилган аҳоли пунктлари ичимлик суви билан таъминланган.
18.	Қарши шаҳар "Чармгар" маҳалласида ички ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги ва бугунги кунда аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги келтирилган.	Объектда қурилиш ишлари 2022 йилда якунланиб, фойдаланишга топширилган. Объект фойдаланишга топширилган бўлсада, **орадан 3 йил муддат ўтган бўлишига қарамасдан аҳолига ичимлик суви умуман етказиб берилмаган. Аҳоли хонадонларига ўрнатилган сув ҳисоблагичларининг кўрсаткичи 0 (нол) ҳолатда турганлиги аниқланди.** Мониторинг ишлари жараёнида жойига чиқиб аҳоли билан мулоқот қилинганда, **фуқаролар объект фойдаланишга топширилганига қарамасдан ичимлик суви етказиб берилмаётганидан норози.** **Мисол учун:** Кўприкбоши кўчаси 77-уйда яшовчи фуқаро **Ш.Н**, Кўприкбоши кўчаси 49-уйда яшовчи фуқаро **Ф.Ш**, Кўприкбоши кўчаси 85-уйда яшовчи **Қ.Н.** ва Кўприкбоши кўчаси 79-уйда яшовчи фуқаро **К.Ш**ларнинг маълум қилишича, ичимлик сувини етказиб бериш тўғрисида сувтаъминоти корхоналарига бир неча маротаба мурожаат қилинган бўлсада, ичимлик суви етказиб берилмаган ва сабаблари ҳақида аҳолига тушунтирилмаган. **Шунингдек, фуқаролар маҳалла ҳудудидаги олдиндан мавжуд бўлган ичимлик суви тармоқлари орқали мунтазам ичимлик**

		суви етказиб берилаётганлиги, бироқ янги қурилган ушбу тармоқларда ҳанузгача аҳоли хондонларига ичимлик суви етказиб берилмаётганлигидан норози бўлишди.
19.	Нурота тумани “Бўстон” ва “Қадоқ” МФЙларида маҳаллаларини ичимлик суви таъминотини қуриш лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги ва бугунги кунда аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги келтирилган.	Қайта ўрганишлар давомида Нурота тумани “Қадоқ” маҳалласидан фуқаролаони видео мурожаати олинди: Унда сув қуврлари ўрнатиш бўйича монтаж ишлари олиб борилган, ҳисоблагичлари ўрнатилган бўлсада, аҳоли бугунги кунга қадар сув билан таъминламаган. 200га яқин аҳоли сувсиз. Шунингдек, қўшни қишлоқларда ҳам насос қуввати пастлиги сабабли аҳоли сувга мухтож бўлиб, ичимлик сувини ташиб келтирилиб истеъмол қилишга мажбур бўлмоқда.
20.	Кармана тумани “Янги обод” ва “Янги ҳаёт” МФЙларини ичимлик суви таъминотини қуриш лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги ва бугунги кунда аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги келтирилган. Ушбу маҳаллаларга етказиб берилаётган сувнинг қаттиқлик даражаси 6 мг/л бўлиб, миллий стандартларга тўлиқ жавоб бериши маълум қилинган.	Дастлабки мониторингда сув сифати ёмонлиги тўғрисида аҳоли норозилик билдирган.
21.	“Янги Наманган туманидаги “Ёшлик” сув иншоотини қуриш” лойиҳаси. **Раддияда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ-454-сонли қарорига асосан лойиҳани амалга ошириш муддати 2021-2025 йиллар этиб белгиланганлиги маълум қилинган.	Қайта ўрганишлар давомида Янги Наманган туманидаги "Ёшлик" сув иншооти дарвозаси ёпиқ, қоровул йўқ, хеч қандай қурилиш монтаж ишлари олиб борилмаётганлиги аниқланди. Ушбу объект стратегик аҳамиятга эга бўлсада, назоратга олинмаганлиги маълум бўлган.
22.	Чуст тумани “Юқори” МФЙ ва Янги Ўзбекистон массивидаги “Гулзор” МФЙларни ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси. **Раддияда** амзкур маҳаллада 2023-2024 йилларда тармоқ тортиш ва сув иншоотини қуриш лойиҳаси амалга	“Юқори” МФЙда олиб борилган қайта ўрганиш давомида мазкур маҳалла раиси билан бўлган суҳбатда, қурилиш ишлари амалга оширилганлиги ҳамда объект фойдаланишга топширилганлиги маълум қилинди. Бироқ синов тариқасида сув таъминоти ёқилганда қувурлардан сув отилиб кетган. Шу

	оширлиганлиги ва объектлар ишчи ҳолатда бўлиб, аҳоли сув билан таъминланганлиги кўрсатилган.	сабабдан бугунги кунгача ушбу маҳалла ичимлик суви билан таъминланмаганлиги маълум бўлди. “Гулзор” МФЙда муаммо ва камчиликлар бартараф этилганлиги маълум бўлди.
23.	Янгиқўрғон тумани “Янгиқўрғон” шаҳарчаси, “Водий” МФЙдаги кўчаларда ичимлик суви тизимларини реконструкция қилиш лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги ва бугунги кунда аҳоли ичимлик суви билан таъминланганлиги келтирилган.	Қайта ўрганиш давомида "Водий" махалласининг номи "Юксалиш"га ўзгартирилган. Махаллага янги сайланган раисга кўра жорий йилнинг 14 июнь куни ҳудудий сувтаъминот ташкилоти вакиллари ўрганиш ўтказган ва тажриба сифатида 5-6 та хонадонга сув берилган. Душанба кунидан барча хонадонларга сув берилади деб ваъда бериб кетилган. Унга қадар мазкур маҳалла ичимлик суви билан таъминланмаган.
24.	Поп тумани “Чодак” қишлоғида ичимлик суви тизимларини реконструкция қилиш лойиҳаси. **Раддияда** ушбу объект йилдан-йилга ўтувчи бўлиб 2025 йилда фойдаланишга топширилиши белгиланган.	Қайта ўрганиш давомида ушбу қишлоқда амалга оширилаётган реконструкция ишлари 10 ой ичида 20 фоизгагина бажарилганлиги маълум бўлди.
25.	“Косонсой тумани “Гурмурон” маҳалласидаги кўп-қаватли уйларга оқова сув тармоғи қуриш” лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги ва янги қурилган кўп қаватли уй-жойларни давлат дастури доирасида қурилган оқова сув тизимларига улаш ишлари қурувчи ташкилт томонидан ёки хусусий мулкдорлар томонидан амалга оширилиши маълум қилинган.	Қайта ўрганишлар давомида Косонсой туманидаги "Гурмурон" махалласидаги кўп қаватли уйлар ноябрь ойида ўрганилганидан кейин 1 ой ичида, яъни декабрь ойида қурувчи томонидан уйлар канализацияга уланганлиги маълум бўлди.
26.	“Нуробод туманидаги “Нуробод-Дамхўжа” сув сақлаш иншоотини реконструкция қилиш ҳамда Нуробод шаҳри ва “Нурбулоқ”, “Пўлатчи”, “Шўрчи”, “Юксалиш”, “Омонбой”, “Кечкелдик”, “Нурдум”, “Шарқ юлдузи”, “Ачамайли”, “Янгиқишлоқ”, “Машъал”, “Маданият” “Шўробод” ва “Қиличли” аҳоли пунктлари ва сиҳатгоҳларини ичимлик сув тизимларини қуриш” лойиҳаси.	Дастлабки мониторингда қурилиш ишлари давом этаётганлиги қайд этилган.

	Раддияда мазкур лойиҳа 2025-2026 йилларда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.	
27.	Нарпай тумани маркази ҳамда Гулистон МФЙдаги “Навбаҳор”, “Дўстлик”, “Бахт”, “Қудуқчи” ва “Деҳқонобод” қишлоқларига ичимлик сув тармоғи ва сув иншоотини реконструкция қилиш” лойиҳаси. Раддияда лойиҳа йилдан-йилга ўтувчи бўлиб қурилиш ишлари давом эттирилаётганлиги маълум қилинган.	Дастлабки мониторингда қурилиш ишлари давом этаётганлиги қайд этилган.
28.	Каттақўрғон тумани марказида аҳоли учун оқова сув тизимларини қуриш” лойиҳаси. **Раддияда** лойиҳа йилдан-йилга ўтувчи бўлиб қурилиш ишлари давом эттирилаётганлиги маълум қилинган.	Дастлабки мониторингда қурилиш ишлари давом этаётганлиги ва қурилиш жараёнларида ишлар сифатсиз амалга оширилганлиги қайд этилган.
29.	“Гулистон шаҳар “Янги ҳаёт” массивида барпо этилаётган кўп қаватли уйларнинг ташқи ичимлик сув тизимини қуриш” лойиҳаси. **Раддияда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 6 мартдаги ПҚ-93-сонли қарорига асосан Гулистон шаҳрининг эскирган ичимлик сув тармоқлари янгиланаётганлиги, мазкур объект фойдаланишга топширилгандан сўнг, Гулистон шаҳри бўйича ичимлик суви тармоқларида босим яхшиланиб 24 соатли режимга ўтказилиши маълум қилинган.	Бугунги кунда ҳам сув босими пастлигича қолмоқда.
30.	“Сирғали” сув иншоотидан Сирдарё вилоятининг Ховос туманигача 28 км магистрал темир қувурини қуриш Сирғали сув иншоотидан Ховос туманигача магистрал темир қувурини қуриш” лойиҳаси Раддияда лойиҳа йилдан-йилга ўтувчи бўлиб, қурилиш монтаж ишлари давом эттирилаётганлиги маълум қилинган.	Дастлабки мониторингда қурилиш ишлари давом этаётганлиги қайд этилган.
31.	“Денов тумани марказидаги 18 та маҳаллани марказлашган ичимлик суви билан таъминловчи “Бобур”	Денов туманидаги “Бобур” сув иншооти орқали 18 та маҳаллага ичимлик сув таъминоти яхшилаш бўйича

	маҳалласида жойлашган ичимлик суви ишлаб чиқариш ва тарқатиш иншоотини реконструкция қилиш” лойиҳаси. **Раддияда** 18 та маҳалланинг ичимлик суви таъминоти яхшиланганлиги кўрсатилган.	туманнинг “Лочин” массивида кўп қаватли уйларни ичимлик суви билан таъминлаш учун 3 дона артезан қудуғи ва 1000 м3 ҳовуз қурилганлиги, Бобур сув иншоотидан А.Жомий, Нурли манзил, Янгиҳаёт, Ўрикзор, Ибн Сино, Саноатчилик, Буюк Келажак, Истиқбол маҳалларига 31.5 км тармоқ тортилиб, Бобур сув иншоотидан ҳозирги кунда 18 та маҳаллага ичимлик сув таъминоти етказилиши белгиланган бўлсада, шундан 8 та маҳалладаги 12 220 та хонадонга ичимлик суви етказиб берилаётганлиги аниқланди. Қолган 10 та маҳаллага ичимлик суви тармоғи тортилмаган. Режада 100% бажарилганлиги бўйича хисобот берилган. Аҳолига сув етказиб берилмоқда. Аммо ўрганиш жараёнида жойларда фуқаролар билан сухбатларда бир кунда эрталаб соат 7.00 дан 9.00 гача, кундузи 12.00 дан 14.00 гача, кечки пайт 19.00дан 21.00 гача ичимлик суви етказиб берилаётганлиги маълум бўлди.
32.	“Денов туманидаги “Сурхон-Диёр” МФЙда оқова сувларни тозалаш иншооти ва тармоқларини реконструкция қилиш” лойиҳаси **Раддияда** лойиҳа йилдан-йилга ўтувчи қилиб белгиланганлиги ва қурилиш ишлари давом эттирилаётганлиги маълум қилинган.	Дастлабки мониторингда қурилиш ишлари давом этаётганлиги қайд этилган. Шунингдек, пудратчи ташкилотлар раҳбарларига нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги сабабли ишлар тўхтаб қолганлиги қайд этилган.
33.	Тўпаланг сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш” лойиҳаси.	“Юксалиш” ҳаракати томонидан ўтказилган дастлабки ўрганишда қурилиш давом этаётганлиги маълум қилинган.
34.	Термиз шаҳри ва Термиз тумани аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида “Сабзипоя” МФЙда артезиан қудуқларини қазиш ва сув иншоотларини барпо этиш, ичимлик сув тармоғини тортиш” лойиҳаси. **Раддияда** Давлат қабул ҳайъати далолатномалари расмийлаштирилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги,	Қайта ўрганишлар давомида Термиз тумани “Учқизил” маҳалласининг кириш қисмида ичимлик сувидан фойдаланиш учун сув чиқариш ускунаси ўрнатилган бироқ, маҳалладаги 110 хонадонга ичимлик суви қувурлари тортилмаганлиги маълум бўлди.

	лойиҳа смета-ҳужжатларига асосан тўлиқ амалга оширилганлиги маълум қилинган.	
35.	“Бўка тумани маркази оқова сув тизимларини қуриш” лойиҳаси. **Раддияда** лойиҳани амалга ошириш муддати Вазирлар Маҳкамаси Раёсати баёни билан 2025 йилга ўтувчи этиб белгиланганлиги ҳамда жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши кўрсатилган.	Дастлабки мониторингда қурилиш ишлари давом этаётганлиги қайд этилган.
36.	“Пискент тумани Лоларик МФЙ ҳудудида (Вахушева) сув иншооти ҳамда Нурафшон шаҳрига қадар магистрал сув қувурини қуриш” лойиҳаси. **Раддияда** лойиҳани амалга ошириш муддати Вазирлар Маҳкамаси Раёсати баёни билан 2025 йилга ўтувчи этиб белгиланганлиги ҳамда жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши кўрсатилган.	Қайта ўрганишлар давомида объектдаги ишлар тўхтаб қолганлиги ва бугунги кунда қаровсиз ҳолатда эканлиги аниқланган.
37.	“Урганч шаҳар “Ал Хоразмий” мажмуасидаги уй-жойларнинг ташқи оқова сув ҳайдаш станцияси (КНС) ўзи оқар ва босимли (2 та нитка) оқова сув тармоғини қуриш лойиҳаси. **Раддияда** лойиҳани амалга ошириш муддати 2023-2025 йиллар этиб елгиланганлиги, қурилиш ишлари давом этаётганлиги маълум қилинган.	“Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан 2025 йил 14 январда тақдим этилган дастлабки расмий маълумотда объект **фойдаланишга топширилганлиги маълум қилинган**, бироқ дастлабки мониторингларда қурилиш ишлари давом эттирилаётганлиги аниқланган. Шунингдек, “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан билдирилган раддияда лойиҳани амалга ошириш муддати 2023-2025 йиллар этиб белгиланганлиги, қурилиш ишлари давом этаётганлиги маълум қилинган.